
DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-14 Pages: 114-126

Oriental Journal of Philology

SUPPORT SCIENCE

ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



PRINCIPLES OF COMPILING A SCIENTIFIC-CRITICAL TEXT OF THE WORK OF MAJDUDDIN AL-USTRUSHANI

Muslim R. Ataev
PhD candidate of the International Islamic Academy of Uzbekistan, candidate of historical sciences, PhD
Email: muslim.rizqi.ato@gmail.com
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Middle Ages, Ustrushana, fatwa, judge, jurist, scientific heritage, cemetery, jurists, principle, sources, text.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: More than 30 jurists emerged from Ustrushana, one of the prestigious scientific and cultural centers formed during the First Renaissance, one of whom was Majduddin Muhammad ibn Mahmud Ustrushani. This article is about Majduddin Ustrushani and his scientific heritage. Full information is also given on the principles of creating a scientific-critical text of the work of the jurist “al-Asil wa-l-aywiba”.

МАЖДУДДИН АЛ-УСТРУШАНИЙ АСАРИНИНГ ИЛМИЙ ТАНҚИДИЙ МАТНИНИ ТУЗИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Муслим Р. Атаев
Ўзбекистон халқаро ислом академияси докторанти, тарих фанлари номзоди, PhD
Email: muslim.rizqi.ato@gmail.com
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўрта асрлар, Уструшана, фатво, қози, фақиҳ, илмий мерос, қабристон, фақиҳлар, тамойил, манбалар, матн.

Аннотация: Биринчи Ренессанс даврида шаклланган нуфузли илмий-маданий марказлардан саналган Уструшанадан 30 дан ошиқ фақиҳлар етишиб чиққан бўлиб, улардан бири Мажduddин Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшанийдир. Мазкур мақолади Мажduddин Уструшаний ва унинг илмий мероси ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, фақиҳнинг “ал-Асъила ва-л-ажвиба” асарининг илмий танқидий матнини тузиш

тамойиллари ҳақида тўлиқ маълумот берилади.

ПРИНЦИПЫ СОСТАВЛЕНИЯ НАУЧНО-КРИТИЧЕСКОГО ТЕКСТА ПРОИЗВЕДЕНИЯ МАЖДУДДИНА АЛЬ-УСТРУШАНИ

Муслим Р. Атаев
Международная исламская академия Узбекистана
докторант, кандидат исторических наук, Ph.D.
Email: muslim.rizqi.ato@gmail.com
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Средневековье, Уструшана, фетва, судья, правовед, научное наследие, кладбище, правоведы, принцип, источники, текст.

Аннотация: Из Уструшаны, одного из престижных научных и культурных центров, сформировавшихся в эпоху Первого Возрождения, вышло более 30 юристов, одним из которых был Маджуддин Мухаммад ибн Махмуд Уструшани. Эта статья о Маджуддине Уструшани и его научном наследии. Также дается полная информация о принципах создания научно-критического текста труда правоведа «аль-Асиля ва-ль-айвиба».

Кириш

Жаҳон фани учун Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган олимлар қаторида фақиҳларнинг меросини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда ислом ҳуқуқи тарихий-маънавий мерос сифатида баҳоланиб, уни илмий ўрганиш жараёни бошланган. Шунинг учун мовароуннахрлик фақиҳларнинг жаҳон ҳуқуқий тафаккури тараққиётига қўшган ҳиссасини нечоғлик аҳамиятли эканини атрофлича чуқур тадкиқ қилиш давр талабидир. Шундай фақиҳлардан бири Мажуддин Муҳаммад Уструшанийдир. У XII асрнинг охири-XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда яшаб, юксак илмий салоҳияти билан фиқҳ илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшганлардан биридир. Олим Уструшанада туғилиб, кейин оиласи билан Самарқандга кўчиб ўтади ва шу ерда ижодий фаолият олиб боради. Уструшанийнинг ҳаётлик вақти Самарқанд фиқҳ мактаби ривожининг сўнгги даври ва мўғуллар истилосининг дастлабки босқичига тўғри келади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Ўрганилаётган мавзу бўйича маълумотларни мусулмон Шарқида яратилган табақот туркумидаги манбалар, қўлёзма битиклар, хорижий ва маҳаллий ва китобларда учратиш мумкин. Мазкур ишда йирик араб, ўзбек ва рус олимларининг, хусусан, Абдулқодир ибн Аби-л-Вафо ал-Қураший (ваф. 775/1373 й.), Ҳожи Халифа (ваф. 1067/1657 й.), Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий (ваф. 1304/1886 й.) ва Хайруддин аз-Зириклий каби биографлар, туркиялик Аҳмед Узел ва Холит Унал, мисрлик Абдулҳамид Абдулхолиқ ал-Байзалий, Абу Мусаб ал-Бадрий ҳамда Маҳмуд Абдурраҳмон

Абдулмуним, Саудиялик Фаҳд ибн Носир ибн Фаррож ал-Фаридий, Абдурраҳмон ибн Усмон ал-Муршид, Сулаймон ал-Хамис, исроиллик Авнер Гиладий, германиялик Карл Броккельман, ўзбекистонлик А.Муминов, М.Комилов, О.Қориев, А.Ш. Жўзжоний, Н.Ж.Юсупова ва бошқаларнинг китобларидан фойдаланган ҳолда Маждуддин Уструшаний илмий мероси ҳақидаги маълумотлар таҳлилга тортилди. Шунингдек фақиҳнинг “ал-Асъила ва-л-ажвиба” асарининг танқидий матн тузишдаги тамаойиллар кўрсатиб берилди.

Натижалар. Маждуддин Уструшанийнинг бешинчи асари «ал-Асъила ва-л-ажвиба» юздан ортиқ ҳанафий уламо ва фуқаҳоларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва турли мавзулардаги фиқҳий саволларга ҳанафий мазҳаби нуқтаи назаридан берилган фатволар мажмуи эканлиги кўрсатиб берилди. Асар XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт, халқларнинг урф-одатига оид қимматли маълумотларни ўзида жамлаганлиги билан янада қадрлидир. Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, асарнинг илмий-танқидий матни яратилиб, нашр этилди

Уструшаналик фақиҳ Маждуддин ал-Уструшаний XII асрнинг охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида Уструшана минтақаси, ҳозирги Жиззахда яшаб, юксак илмий салоҳияти билан фиқҳ илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган алломалардан биридир. Унинг тўлиқ исми Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Маждуддин Уструшанийдир. Уструшанийлар оиласи 603/1207-615/1219 йиллар орасида Уструшанадан Самарқандга кўчиб ўтган. Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшаний яшаган XII асрнинг охири-XIII асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда қорахонийлар, ануштегинийлар ва мўғуллар ҳукмронлик қилган. Яъни, Маждуддин Уструшанийнинг ҳаётлик даври Самарқанд фиқҳ мактаби ривожининг сўнгги даври ва мўғуллар истилосининг дастлабки босқичига тўғри келади. Мусулмон Шарқи мамлакатларида яратилган табақот туркумидаги манбаларда ва германиялик тадқиқотчи Карл Броккельман ва туркиялик тадқиқотчилар унинг илмий мероси ҳақида умумий тарздаги маълумотларни келтириш билан кифояланган. Саудиялик тадқиқотчилар фақиҳнинг “Китоб ал-Фусул” асарининг икки фасли бўйича докторлик иши ёзган, ироқлик ва мисрлик тадқиқотчилар томонидан “Жомиъ аҳком ас-сиғор” асари нашр қилинган, исроиллик тадқиқотчи Авнер Гилади “Жомиъ аҳком ас-сиғор”ни ўрганиб, таҳлил қилган . Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Маждуддин Уструшаний ва отаси Маҳмуд ибн Ҳусайн Уструшаний ҳақида умумий маълумот бериш билан чекланганлар . Аммо юқорида зикр этилган ишларда Маждуддин Уструшанийнинг ҳаёти ва унинг илмий мероси комплекс равишда тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқот жараёнида Маждуддин Уструшанийнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган

қўлёзмалардан бирида унинг замона илмий жамоатчилиги эътиборидан четда қолиб келаётган «ал-Асъила ва-л-ажвиба» («Саволлар ва жавоблар») асари мавжудлиги аниқланди. У табақот жанрига оид асарларда ҳанузгача қайд этилмаган. Асар аллома ҳаёти ҳақида тамомила янги маълумотларни ўзида мужассам этган. Улар, бир томондан, аллома ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазаларга ойдинлик киритса, иккинчи томондан, уларни чигаллаштиради. Гап шундаки, мавжуд манба ва тадқиқотларда Маждуддин Уструшаний 632/1234-35 йили вафот этган, деб қайд этилиб, туғилган йили эса зикр этилмаган эди. Аммо олимнинг ўзи «ал-Асъила ва-л-ажвиба» асарининг хотима қисмида шундай ёзади: «...Лекин кунлар 60 ёшли оқсоқ кампир сингари ўз ёпинчиғига ўралиб, мендан юз ўгириб кетди... Китобни тамомлаш тонги ҳижрий 637 сананинг зу-л-қаъда ойининг олтинчи куни пешиндан олдинроқ ёришди».

Мазкур ахборот инобатга олинса, олим ҳижрий 637 йил ҳали ҳаёт, ёши эса 60 да бўлгани ҳақида хулоса қилиш мумкин. Демак, Маждуддин Уструшанийнинг бошқа мавжуд манбаларда кўрсатилган 632/1234-35 йилиги вафоти нотўғри бўлиб чиқади. Олим ушбу асарини 637/1240 йил 28 майда 60 ёшида тугатган бўлса, демак, унинг туғилган санасини 577/1180 йил атрофида деб фараз қилиш мумкин. Яъни, асар ёзиб тугатилган санадан 60 ёшни чегириб ташланса, олимнинг туғилган йили ойдинлашади. Аммо олимнинг вафот санаси номаълумлигича қолмоқда. Лекин юқоридаги маълумотларга таяниб, Маждуддин Уструшаний тахминан 637/1240 йилдан кейин вафот этган дейиш мумкин.

Маждуддин Уструшанийнинг илмий дунёқараши шаклланишида оилавий муҳитнинг аҳамияти салмоқли бўлган. Олим бир неча авлод фақиҳлар сулоласининг давомчиси бўлган . Унинг илк устози – ўз отаси фақиҳ Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Уструшаний (ваф. 625/1228 йилдан кейин) бўлган. Манбаларда унинг исми «Соҳиб ал-фусул»нинг отаси ёки Бурҳонуддин Марғинонийнинг шогирди сифатида зикр этилиши, унинг шаънига қисқа мадҳиялар битиш талабга айлангани унинг илм аҳли орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлганидан дарак беради.

Маждуддин Уструшанийнинг устоз ва шогирдлари фиқҳ илми ривожига улкан ҳисса қўшган. Олим минтақадаги умумий илмий-маънавий ҳолатдан ҳар томонлама бохабар бўлган, унинг асарлари ушбу хабардорликнинг маҳсули ва кўзгуси ҳисобланади. Унинг илмий-маънавий меросини «Китоб ал-фусул», «Жомиъ аҳком ас-сиғор» , «ал-Фатово» , «ал-Қуруз ва-д-дуюн» ва «ал-Асъила ва-л-ажвиба» каби асарлари ташкил этади.

«Китоб ал-фусул» ёки «Фусул ал-Уструшаний» асари ўттиз фаслдан иборат бўлиб, ўз даври қозилари ва муфтийларнинг ишини ислоҳ қилиш, енгиллаштириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида амалий қўлланма сифатида тайёрланган . Асар 625/1228 йили ёзиб тугатилган. Унинг бир неча қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган . Улардан тўрттаси

Тошкентда бўлиб, учтаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида ва биттаси Алишер Навоий номли Адабиёт музейининг қўлёзмалар фондида, шунингдек, чет эл кутубхоналарининг фондларида олтита қўлёзмаси сақланмоқда .

Манбаларда алломанинг «ал-Фатово» деб номланган яна бир фиқҳий асари номи қайд этилади . Муаллиф мазкур асари хусусида ўзининг «Жомиъ аҳком ас-сиғор» асарининг хотима қисмида шундай таъриф беради: “... биринчи асаримни «Китоб ал-фусул» деб номладим. ... иккинчисини “Жомиъ аҳком ас-сиғор» ... ва учинчисини «ал-Фатово» деб номлайман, деган умиддаман» . Биринчи асар қирқ фаслдан иборат бўлиб, кундалик ҳаётда учрайдиган масалаларнинг фиқҳий ҳукмлари содда ва тушунарли услубда қисқа жумлалар билан ёритилган. Мавзулар кўпроқ ҳадислар, мужтаҳид ва мутасаввифларнинг сўзлари билан изоҳланган.

Алломанинг «ал-Қуруз ва-д-дуюн» («Қарз турлари») номли тўртинчи асарининг мавжудлиги муаллифнинг «ал-Асъила ва-л-ажвиба” китобида қайд этилган . Аммо ушбу асарнинг қўлёзма нусхаси топилмади. Дунё қўлёзма хазиналаридан алломанинг мана шу асари топилса, ҳозирги кундаги пул, молия, банкларда кредит бериш ва олиш масалаларига доир шаръий жавоблар мажмуасига эга бўлар эдик.

Манбаларда «Қуррат ал-айнайн фи ислоҳ ад-дорайн» («Икки дунё саодати учун кўз қувончи») алломанинг асари деб кўрсатилган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси Миср Миллий кутубхонасида I/340 рақам остида сақланади . Лекин фақиҳ ўзининг бошқа асарларида бу китоб ҳақида ҳеч қандай маълумот қолдирмаган.

Фақиҳнинг яна бир асари «ал-Асъила ва-л-ажвиба» («Саволлар ва жавоблар»)да XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрнинг бошида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт, халқларнинг урф-одатига оид қимматли маълумотлар учрайди. Мусанниф бу асарида XIII асргача ижод қилиб ўтган ҳанафий уламо ва фақиҳларининг турли мавзулардаги фиқҳий саволларга берган жавобларини, асосан, араб баъзан форс тилларида нақл қилади. Сўралган масалалар таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж каби ибодатга доир ҳамда никоҳ, талоқ, қасам, жиноят ва жазо, тижорат, ҳалол-ҳаром каби ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий мавзулардаги саволларга ҳанафий мазҳаби нуқтаи назаридан берилган фатволар мажмуидир. Улар ислом оламида шуҳрат топган юздан ортиқ фақиҳ ва мужтаҳидларнинг берган фатволаридан иборат. Фатволар етмишдан ортиқ энг машҳур фиқҳий асарлардан саралаб олиниб, нақл қилинган.

«Ал-Асъила ва-л-ажвиба» асари 637/1240 йил 28 майда ёзиб тамомланган . Фиқҳга оид мазкур асарида XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт, халқларнинг урф-одатига оид қимматли

маълумотларни учратиш мумкин. Фуруъ ал-фиқҳга оид савол-жавоб тариқасида тузилган мазкур асарнинг 65% ни араб тилидаги ва 35% ни форс тилидаги фатволар ташкил қилади.

«Ал-Асъила ва-л-ажвиба» асарига ўхшаш «савол-жавоб» тариқасида тузилган асарлар ҳанафий мазҳаби тарихида маълум. Улардан баъзиларини қуйида кўрсатиб ўтамиз:

Муҳаммад ибн Саммоа ибн Абдуллоҳ ибн Ҳилол ат-Тамимий (102/720-192/808 й.), Ҳишом ибн Убайдуллоҳ ал-Мозил (ваф. 201/817 й.), Иброҳим ибн Рустам Абу Бакр ал-Марвазий (ваф. 211/827 й.), Бишр ибн Валид ал-Киндий (ваф. 238/862 й.)ларнинг «ан-Наводир» асарлари;

Абу-л-Ҳасан Али ибн Саид ар-Рустуғфаний (ваф. 345/957 й.)нинг «аз-Завоид Ала-л-фавоид фи анвои-л-Улум ва-л-фатово» асари;

Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандий (301/913-375/985 й.)нинг «ан-Навозил» асари;

Абу-л- Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ан-Нотифий 446/1055 (ваф. 446/1055 й.)нинг «Хизонат ал-воқиот» асари;

Ҳусайн ибн Али Абу-л-Қосим Имодуддин ал-Ломиший)ваф. 522/1128 й.)нинг «ал-Воқиъот» асари;

Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ануш ал-Ҳусайри ал-Бухори (ваф. 500/1106 й.)нинг «ал-Ҳови фи-л-фатово» асари;

Бурҳонуддин Маҳмуд ибн Тожиддин Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза ал-Бухорий (551/1156-616/1220 й.)нинг «Захират ал-фатово» асари;

Аҳмад ибн Мусо ибн исо ибн Маъмун Аҳмад ибн Мусо ал-Каший (ваф. 550/1155 й.)нинг «Мажму‘ ан-навозил ва-л-ҳаводиў ва-л-воқи‘от» асари;

Имодуддин Абу-л-Ҳасан Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Фаробий (ваф. 609/1212 й.)нинг «ал-Асъила ал-ломиъа ва-л-ажвиба ал-жомиъа» асари.

«Ал-Асъила ва-л-ажвиба» асарининг ЎзР ФА ШИда сақланаётган учта қўлёзма нусхаси мавжуд.

1) 3109/I рақам остида . Қўлёзманинг умумий ҳажми 222 варақ бўлиб, шарқона услубда муқоваланган, картон муқова устига жигарранг қоғоз ёпиштирилган. Қоғоз ўлчами 26x16 см. Матн ўлчами 21x11. Ҳар варақда 25 сатр бор. Қоғози сариқ ранг, қалин шарқ қоғози. Ёзуви - насх. Варақлар шарқона услубда рақамланган. Пойгирлар мавжуд. Нусха Фарид ибн Маҳмуд ибн Муҳаммадшоҳ ибн Ҳасан ал-Жарзувони томонидан 785/1383 йилда кўчирилган. Қўлёзма вақф қилинган. Қўлёзманинг ҳар бир варағига қўйилган муҳр бундан далолат беради.

Мазкур йиғма қўлёзма китобда икки асар жамланган:

а) Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг «ал-Асъила ва-л-ажвиба» асари. Асар 1б-70а варақларда жойлашган.

б) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аби Бакрнинг «Хизонат ал-фатово» асари. Асар 71б-221б варақларда жойлашган.

2) 6341/III рақам остида. Йиғма қўлёзмада учта асар жамланган бўлиб, умумий ҳажми 296 варақ. Қўлёзма шарқона услубда муқоваланган бўлиб, картон муқова устига яшил қоғоз ёпиштирилган. Муқовада шамс ва лола медальонлари бор. Қоғоз ўлчами 29х15 см. Матн ўлчами 22х11см. Ҳар бир варoқ 27 сатрдан иборат. Қоғози сариқ рангли, қалин шарқ қоғози. Хати - насх. Варақлар шарқона услубда рақамланган. Пойгирлар мавжуд. Кўчирувчиси номаълум. Қўлёзма 1211/1796 йилда Муҳаммад Азиз ибн Худаёр томонидан вақф қилинган. Қўлёзманинг ҳар тўрт варағига битта қўйилган муҳр бундан далолат беради.

Мазкур йиғма қўлёзма таркибида қуйидаги асарлар мавжуд:

а) Абу-л-Лайӧ Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқанди (301/913 - 375/985 й.)нинг «Бустон ал-‘орифин» асари. Асар 1б-77а варақларда жойлашган.

б) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аби Бакрнинг «Хизонат ал-фатово» асари. Асар 80а-229б варақларда жойлашган.

в) Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг «ал-Асъила ва-л-ажвиба» асари. Асар 230а-296б варақларда жойлашган. Нуқсонли нусха: охири йўқ.

3) 2533/III рақам остида. Мазкур йиғма қўлёзмада бешта асар жамланган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 258 варақ. Қўлёзма шарқона услубда муқоваланган, картон муқова устига тўқ яшил ранг қоғоз ёпиштирилган. Муқовада ромб шаклидаги битта катта ва иккита кичкина медальонлар бор. Қоғози оқ ранг, қалин Хитой қоғози. Қоғоз ўлчами 20х12 см. матн ўлчами 15,3х7,3 см. Ҳар бир варақда 19 сатр бор. Қўлёзма Жалолуддин номли шахс томонидан вақф қилинган. Бу ҳақда қўлёзмадаги ҳар бир асар бошида қўйилган муҳр далолат беради. Қўлёзма 1230/1815 йил 27 сентябрда Абдуллоҳ ал-Балхий номли хаттот томонидан кўчириб тугатилган.

Мазкур йиғма қўлёзма таркибида қуйидаги асарлар мавжуд:

а) Муҳаммад ал-Чалабий ал-Баракий ар-Румийнинг «Рисолат аркон ас-салот» асари. Асар 1а-19б варақларда жойлашган.

б) Абдулхолиқ ал-Ғиждувонийнинг «Маноқиб хвожа Юсуф ал-Ҳамадоний» асари. Асар 20а-36б варақларда жойлашган.

в) Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг «ал-Асъила ва-л-ажвиба» асари. Асар 38б-158б варақларда жойлашган. Бу қисм маълум кодикологик хусусиятларга эга: Сиёҳи қора, «сўради», «жавоб берди», «деди» ва баъзи бир сўзлар устига қизил чизиқ тортилган. Масалалар номи ҳам қизил сиёҳ билан ёзилган.

г) «Мунтахаб катоиб аълом ал-ахёр мин фуқаҳои мазҳаб ан-Нуъмон ал-мухтор» асари. Бу асар Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафави (ваф. 990/1582-83 й.)нинг «Катоиб аълом ал-ахёр мин фуқаҳои мазҳаб ан-Нуъмон ал-мухтор» асаридан олиниб, (мунтахаб) сайланма асарга айлантирилган. «Мунтахаб катоиб аълом ал-ахёр мин фуқаҳои мазҳаб ан-Нуъмон ал-мухтор» асарининг муаллифи кўчирувчи бўлиши эҳтимол. Асар 160а-199а варақларда жойлашган.

д) «Мунтахаб табақот ал-ҳанафия» асари. Бу асар Абдулқодир ибн Аби-л-Вафо ал-Қураший (ваф. 775/1373 й.)нинг «Табақат ал-ҳанафия» асаридан (мунтахаб) олиниб, сайланма асарга айлантирилган. «Мунтахаб табақот ал-ҳанафия» асарининг муаллифи номаълум. Асар 201а-258б варақларда жойлашган.

«Ал-Асъила ва-л-ажвиба» асарининг илмий-танқидий матнини тузиш учун ЎзР ФА ШИ.да № 3109/I, 6341/III ва 2533/III рақамлари остида сақланаётган нусхаларидан фойдаланилди. Фойдаланилган нусхалар матнда шартли равишда қуйидагича белгиланди:

1. Қўлёзма - 3109/I, Фарид ибн Маҳмуд ибн Муҳаммадшоҳ ибн Ҳасан ал-Жарзувоний кўчирган - (ا).

2. Қўлёзма - 6341/III, Кўчирувчиси номаълум - (ب).

3. Қўлёзма - 2533/III, Абдуллоҳ ал-Балхий кўчирган - (ج) .

Илмий-танқидий матн тузишда қуйидаги тамойилларга амал қилинди.

- Илмий-танқидий матнни тузишда бизга Фарид ибн Маҳмуд ибн Муҳаммадшоҳ ибн Ҳасан ал-Жарзувони томонидан (785/1383)да кўчирилган (ا) нусха асосий таянч бўлди. Танқидий матнда бу қўлёзманинг ҳамма хусусияти сақланди. Матндаги ҳар бир фатво бошқа икки қўлёзма билан солиштирилди, маънога оид фарқлар илмий аппаратда қайд этилди.

- Матнни тайёрлашда классик араб ва форс тиллари имло қоидаларига тўлиқ риоя қилинди.

- Бирор нусхада фатвонинг боши бўлиб, охири бўлмаса, иқтибосда
жумласидан сўнг тушиб қолган қисми тўлиқ ...جاءت هذه الفقرة فى (...) محذوفة القسم الاخير وهو берилди.

- Нусхаларда жумла орасида тушиб қолган жойлар матнда тикланиб, иқтибосда لم توجد فى ... жумласидан сўнг ноқис нусханинг шартли белгиси қўйилди.

- Бирор нусхада муайян фатво тўлалигича тушиб қолган бўлса, иқтибосда لم توجد هذه الفقرة فى ... жумласидан сўнг ноқис нусханинг шартли белгиси қўйилди.

- Нусхаларда турлича синоним сўзлар қўлланган бўлса, улар ичидан энг мақбули матнга киритилиб, қолганлари эса иқтибосда кўрсатилди.

- Нусхаларда бир жумладаги сўз турлича келган бўлса, улар орасидан жумла маъносига тўла мос келадигани олиниб, хато деб топилгани иқтибосга туширилди.

- Маждуддин ал-Уструшаний мурожаат қилган фақиҳнинг исмини матнда қорайтириб, иқтибосда у ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

- Маждуддин ал-Уструшаний баъзан фақиҳларнинг нисбаларига мурожаат қилган, биз уларни матнда қорайтириб, иқтибосда нисба соҳибининг тўлиқ исми шарифи берилди.

- Маждуддин ал-Уструшаний баъзи жойларда фақиҳларнинг лақаблари билан мурожаат қилган. Берилган ушбу лақаб соҳибини аниқлаб матнда қорайтириб, иқтибосда эса лақаб соҳиби ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

- Маждуддин ал-Уструшаний баъзи бир жойларда фақиҳга мурожаат қилаётганда «китоб соҳиби» деб мурожаат қилади. Матнда «китоб соҳиби» жумласини қорайтириб, иқтибосда эса фақиҳнинг исми шарифи ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

- Маждуддин ал-Уструшаний баъзи бир жойларида фақиҳнинг куняси билан мурожаат қилади. Матнда фақиҳ кунясини қорайтириб, иқтибосда у ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди.

- Маждуддин ал-Уструшаний мурожаат қилган баъзи бир фақиҳлар бизда мавжуд бўлган биографик манбаларда топилмади. Матнда фақиҳ номи қорайтирилиб, иқтибосда لم نعثر على ترجمته فى المصادر التى تحت أيدينا (Тасарруфимиздаги манбаларда унинг таржимаи ҳоли учрамади) жумласи билан изоҳланди.

- Маждуддин ал-Уструшаний Абу Ҳанифага араб тилидаги жумласида мурожаат қилганда أبو حنيفة деб, баъзи бир форс тилидаги жумлаларда امام اعظم деб мурожаат қилади. Бу икки ҳолатда ҳам матнда иборани қорайтириб, иқтибосда аллома ҳақида тўлиқ маълумот берилди .

- Маждуддин ал-Уструшаний Бурҳонуддин ал-Марғинонига мурожаат қилганда унга شيخ الإسلام هذا деб мурожаат қилади. Матнда шу иборалар ёки شيخ الإسلام ёки شيخ الإسلام برهان الدين қорайтирилиб, иқтибосда фақиҳ ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

- Маждуддин ал-Уструшаний отасининг фикрларига мурожаат қилганда والدى ёки والدى جلال الدين иборасини ишлатади. Матнда мазкур иборалар қорайтирилиб, иқтибосда отаси ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди.

- Маждуддин ал-Уструшаний баъзи бир фақиҳларнинг ўз замонасида машҳур бўлган номи билан мурожаат қилади. Матнда фақиҳнинг машҳур бўлган номи қоратирилиб, иқтибосда унинг асл исм шарифи тўлиқ берилди.

- Маждуддин ал-Уструшаний мурожаат қилган манбалар матнда қорайтирилиб, иқтибосда эса асар муаллифи ва китоб ҳақида қисқача маълумот берилди.

- Маждуддин ал-Уструшаний мурожаат қилган Қуръон оятлари матнда қавс ичида ёзилиб, қорайтирилиб, иқтибосда эса қайси сурага тааллуқли эканлиги берилди.

- Маждуддин ал-Уструшаний мурожаат қилган ҳадислар матнда қўштирноқ ичига олиниб, иқтибосда улар олинган ҳадис манбалари кўрсатилди.

- Маждуддин ал-Уструшаний мурожаат қилган баъзи бир ҳадислар тасарруфимиздаги ҳадис манбаларида учрамади. Ҳадисни матнда қорайтириб, қўштирноқ ичида берилди.

Иқтибосда эса: لم نعثر على هذا الحديث فى المصادر التى تحت أيدينا. (тасарруфимиздаги манбаларда бу ҳадисни учратмадик) жумласи билан изоҳланди.

- Асарда тушунилиши қийин бўлган арабларнинг қадимий сўзларига иқтибосда манбалар асосида изоҳлар берилди.

- Асарда қадимий форс тилидаги сўзларга илмий адабиётлардан фойдаланиб изоҳлар берилди.

- Асарда шундай фатволар ҳам учрадики, нусхалардаги жавоблар бир-бирига зид. Масалан: (ب) ва (ج) нусхаларида بنوشمдеса, (ا) нусхасида эса ننوشمтарзида берилган. Ёки, (ج) нусхасида يصح тарзида ёзилган бўлса (ا) ва (ب) нусхаларида لا يصح тарзида берилган. Ёки, (ج) нусхасида موته тарзида ёзилган бўлса, (ا) ва (ب) нусхаларида حيوته тарзида берилган. Шундай ҳолатларда асосий матнга икки нусхадаги жавоб олиниб, қолганлари иқтибосга туширилди.

- Бирор нусхадаги қоғоз тешилиши оқибатида йўқ бўлиб кетган жумлалар ёрдамчи нусхалар асосида матнда тикланди. Иқтибосда жумлалар тўлиқ берилиб, ... هذا الموضع من المخطوطة ساقط بسبب اندراسه واختراقه فى жумласидан сўнг ноқис нусханинг шартли белгиси қўйилди.

- Масалалар матнда катта шрифтда ёзилиб, қорайтирилиб, иқтибосда эса ушбу масаланинг луғавий, истилоҳий ва фиқҳий маънолари илмий адабиётлардан фойдаланилган ҳолда берилди.

- Ҳар бир фатво бошидаги سئل ёки قال وكتبت ёки أجوبة ёки قلت وذكر каби сўзлар қорайтирилиб, янги қатордан хат боши қилиб ёзилди.

- Матн тузишда жумла тузиш имловий қоидалариги тўлиқ амал қилинди. Яъни матнда ундов, сўроқ, икки нуқта, вергул ва нуқта кабилар қўйилди.

Шунингдек, илмий-танқидий матн бошида Маждуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшаний ва унинг илмий мероси, фаолияти, матн тузиш тамойиллари ва асарнинг қўлёзма нусхалари ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Асосий матн тугаганидан сўнг, Ўрта аср араб манбалари асосида аллома туғилган Уструшана минтақасининг тарихий-географик жойлашуви, унинг шаҳар ва қишлоқлари ва у ердан етишиб чиққан олимлар ҳақида

маълумотлар берилди. Бундан ташқари беш хил фиҳрист тузилди. Тадқиқот доирасида мазкур асарининг илмий-танқидий матни чоп қилинди .

Хулоса қилиб айтсак, Уструшана илмий маркази фаолияти XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII аср бошларида ўзининг энг ривожланган босиқичига кўтарилган бўлиб, бу даврда ислом ҳуқуқшунослиги талаблари шаклланиб бўлган, шу билан бирга ислом ҳуқуқшунослиги маҳаллий билим ва малакалар билан бойитилиб борилаётган давр эди. Шу билан бирга муғиллар истилоси даврига келиб бузғунчилик ҳаддан ташқари кўп бўлганлигига қарамай, ислом фиқҳшунослиги ўз таъриси ва мавқеини йўқотмади, балки сақлаб қолди. Қорахонийлар даврига нисбатан унинг даражаси жуда юқори бўлмаган бўлса ҳам, унинг илмлар таснифидаги ўрни аҳамиятли бўлди. Мана шу аҳамиятли ва кўзга кўринарли мавқени таъминлаб берган фақиҳ сифатида илм саҳнасига Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшаний юлдузи чиқиб келди. Уструшанийнинг бой илмий мероси бунинг ёрқин мисоли бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Al-Ustrushani, Abu-l-Fath Muhammad ibn Mahmud ibn Husayn. (2017). Questions and Answers. Al-As'ila wa-l-Ajwiba. – Tashkent: Mavaraunnahr Publishing House. – 370 p. (in Uzbek)

2. Khalidov, A. B. (1986). Arabic Manuscripts of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the USSR. Arabskiye rukopisi Instituta vostokovedeniya AN SSSR.– Moscow, Vol. 1. (in Russian)

3. Abdulqadir ibn Muhammad Amin. (201). Genealogy and Trees Collection. Majmu' al-Ansab wa-l-Ashjar. – Manuscript. Uz FASHI. – folio 133b. (in Arabic)

4. Ismail Basha al-Baghdadi. (1982). Gift of the Knowers of the Names of the Authors and Works of Writers. Hadiyat al-Arifin Asma al-Muallifin wa Asar al-Musannifin. – Beirut. – p. 113. (in Arabic)

5. Carl Brockelmann. (1993). The History of Arabic Literature. Tarikh al-Adab al-Arabi. – Translated by Yaqoub Bakr and Dr. Ramazan Abdutawwab. – Cairo. – Vols. 5-6. – pp. 714-715. (in Arabic)

6. Komilov, M. M. (2006). The Development of Fiqh Science in Mavarannahr and Jurist Alauddin as-Samarqandi. – Tashkent. – p. 74. (in Uzbek)

7. Muminov, A. (n.d.). Kataib Alam al-Akhyar by al-Kafawi (d. 990 /1582) as a Source on the History of Islam in Mavarannahr (III/IX-VII/XIV centuries). – Dissertation. – p. 85. (in Uzbek)

8. Majduddin Muhammad ibn Mahmud al-Ustrushani. (2017). Questions and Answers. Al-As'ila wa-l-Ajwiba. Edited by Muslim Rizqi Ato. – Tashkent. (in Uzbek)

9. Majduddin Muhammad ibn Mahmud al-Ustrushani. (3245). The Book of Chapters. Kitab al-Fusul. – Manuscript. Uz FASHI. – folio 1a. (in Uzbek)

10. Majduddin Muhammad ibn Mahmud al-Ustrushani. (2533/III). Questions and Answers. Al-As'ila wa-l-Ajwiba. – Manuscript. Uz FASHI. – folio 36a. (in Uzbek)

11. Mahmud ibn Sulayman al-Kafawi. (2533/IV). Selected Kataib Alam al-Akhyar from the Jurists of the Numan Madhhab. Muntakhab Kataib Alam al-Akhyar. – Manuscript. Uz FASHI. – folio 144b. (in Arabic)

12. Muhyiddin Abdulqadir ibn Abi Wafa al-Qurashi. (1993). Al-Jawahir al-Mudiyya fi Tabaqat al-Hanafiyya. – Cairo. – Vols. 3/366; 4/243. (in Arabic)

13. Mustafa ibn Abdullah Haji Khalifa. (1982). Kashf al-Zunun. – Cairo. – Vols. 1/55; 2/93. (in Arabic)

14. Muhammad Abdulhay al-Laknawi. (1972). The Beneficial Notes on the Biographies of Hanafis. Al-Fawaid al-Bahiyya fi Tarajim al-Hanafiyya. – Beirut. –200 p. (in Arabic)

15. Muhammad ibn Mahmud al-Ustrushani. (1982). The Collection of the Rules for Minors. Jami' Ahkam al-Sighar. Edited by Abdulhamid Abdulkhaliq al-Bayzali. – Baghdad. (in Arabic)

16. Muhammad ibn Mahmud al-Ustrushani. (1994). The Collection of the Rules for Minors. Jami' Ahkam al-Sighar. Edited by Dr. Abu Musab al-Badri and Mahmud Abdurrahman Abdulmunim (Lecturer at Al-Azhar University). – Cairo: Dar al-Fadila. (in Arabic)

17. Umar Riza Kahhala. (1993). Mu'jam al-Muallifin. – Beirut. – Vol. 11. – pp. 317-318. (in Arabic)

18. Fahd ibn Nasir ibn Farraj al-Faridi. (1426). Doctoral Dissertation on Chapters 17-20 of Kitab al-Fusul. – Saudi Arabia: Umm al-Qura University. (in Arabic)

19. Khayr al-Din al-Zirikli. (1999). Al-A'lam: Qamus Tarajim li-Ashhar al-Rijal wa-an-Nisa min al-Arab wa-al-Musta'ribin wa-al-Mustashriqin. – Beirut. – Vol. 7. (in Arabic)

20. Giladi, Avner. (2024). Al-Asrushani's Jami' Ahkam al-Sighar as a Source for the History of Childhood in Muslim Societies: The Case of Enslaved Children. Journal of American Oriental Society, 144(2), 401-416.

21. Brockelmann, C. (1937). Geschichte der arabischen Litteratur SB I. – Leiden. –653 p. (in German)

22. Ozel, A. (1990). Hanefi Fıkıh Alimleri. – Ankara. – Vol. 63. (in Turkish)

23. Unal, H. (1986). Maveraunnehir Jurists: Al-Usrushani. Maverannehir Fakihlerinden Al-Usrushani. – Kayseri. – No. 3. – Vols. 243-249, 415-427. (in Turkish)